ҲУДУДЛАРДА ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИКНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Камилов Дилшод Тўйчи ўғли
Sambhram universiteti Yoshlar masalalari va ma'naviy-ma'rifiy ishlar bo'yicha birinchi prorektori
Ochilov Avazbek
Sambhram universiteti magstranti

Аннотация. *Ушбу мақолада ҳудудларга инвестициялар жалб қилишнинг ўзига хос хусусиятлари, аҳамияти очиб берилган. Инвестициялар жалб қилишнинг ҳудудий ҳолати таҳлил қилиниб, инвестицион фаолликни ошириш йўналишларни ривожлантириш бўйича таклифлар асосланган.*

Таянч тушунчалар: *инвестиция, ҳудуд, инвестициявий сиёсат, инвестициявий салоҳият, хорижий инвестициялар, эркин иқтисодий зоналар.*

Аннотация. *Данная статья раскрывается специфику и важность привлечения инвестиций в регионы. Проанализирована региональная ситуация привлечения инвестиций и обоснованы предложения по развитию направлений повышения инвестиционной активности.*

Ключевые слова: *инвестиции, регион, инвестиционная политика, инвестицоонная потенциал, иностранные инвестиции, свободные экономические зоны.*

Annotation. *In this article it will be revealed that the importance of special characteristics of attracting investment in particular regions. It is based on offers in terms of the way which improve actives of investment and applying the investment regionally is analysed.*

Key words. *Investment, region, investing policy, investing capability, foreign investment,free economic zone*

Ҳозирги кунда жаҳон амалиётида инвестициялардан самарали фойдаланиш, ҳар бир ҳудуднинг инвестицион жозибадорлигини оширишга қаратилган мақсадли стратегияларини ишлаб чиқиш, фаол инвестицион сиёсат юритиш борасида энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Инвестициялар самарадорлигини оширишнинг мақбул механизмини излаб топишда нисбатан қисқа вақт ичида иқтисодий жиҳатдан катта натижаларга эришган ривожланаётган мамлакатлар тажрибаси ҳам алоҳида аҳамияга эга. Янги индустриал мамлакатлар[140] Гонкон, Сингапур, Жанубий Корея, Тайван амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодий ўсиш даражаси 10 % дан юқори кўрсаткич қайд қилинган даврда мамлакат иқтисодиётига киритилган инвестициялар салмоғи ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)га нисбатан 35-40 % ни ташкил этган бўлиб, уларнинг катта қисми ички инвестициялар ҳисобига тўғри келган.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш учун инвестицияларни жалб қилиш сиёсати – мавжуд маблағлардан, вақт ва имкониятлардан тўғри фойдаланиш, мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, унинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувини рағбатлантириш йўли билан инвестицияларни фаол жалб қилишга ва улардан оқилона фойдаланишга қаратилган. Бу борадаги вазифанинг аҳамиятини Ўзбекистон Республикасининг Президенти[141] ҳам алоҳида кўрсатиб берди "Энг асосийси, бу ислоҳотлар натижасида халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиб

[1]Доклад о мировых инвестициях за 2017 год. Издание Организации Объединенных Наций, Женева. 2017.- 46

[141]Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил.Lex.uz.

беришимиз керак. Одамларимиз етарли даромад топиши учун энг қулай бизнес ва инвестиция муҳитини шакллантириб, янги-янги корхоналар ва иш жойларини кўпайтиришимиз зарур”. Иқтисодиётни модернизациялашнинг ҳозирги даврида мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестиция соҳасидаги ислоҳотлар иқтисодий барқарорлик, таркибий тузилмалар ислоҳотини белгиловчи муҳим омил ҳисобланади. Аҳоли турмуш фаровонлигини ўсиши, иқтисодий ўсиш суръатларини ошириш, иш ўринларини яратишга хизмат қилувчи фаол инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни ҳудудларда изчил амалга ошириш иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги маълумотлари[142] бўйича 2019 йил давомида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан инвестицияларни ўзлаштириш ҳажми 220,7 трлн. сўмга етказилиб, тасдиқланган йил прогнозига нисбатан 2 баробар ўсди. Асосий капиталга инвестициялар ҳажми 189,9 трлн. сўмни, 2018 йил кўрсаткичларига нисбатан ўсиш даражаси эса 1,3 баробарни ташкил этди. Асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2018 йилда 30 фоиздан амалдаги 36,2 фоизга қадар ўсди (умумий инвестициялар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2019 йил натижалари билан 42,1 фоизни ташкил этди.

Инвестициялаш учун асосий объект бу ҳудудларнинг инвестицион салоҳияти ҳисобланиб, танланган ҳудуднинг ишлаб чиқариш омили билан таъминланганлик даражаси, аҳолининг истеъмол талаби сингари кўрсаткичларнинг ривожланишига боғлиқ. Бунда ҳудуднинг ижтимоий- иқтисодий ривожланиши, табиий ресурслар билан таъминланганлик, меҳнат ресурслари ва уларнинг рақобатбардошлиги, аҳолининг харид қобилияти,

ҳудуд бюджети ва корхоналар молиявий таъминланганлик даражаси, ҳудудда истиқомат қилувчиларнинг хўжалик фаолиятидаги иқтисодий кўрсаткичлар, соҳа, тармоқларни инвестицион юридик шарт-шароитлари ишлаб чиқаришнинг алоҳида омилларидан фойдаланиш тартиби ва бошқалар ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга.Ҳудудлардаги инвестиция жараёнларининг таҳлиллари[143]: биринчидан, чет эл инвестициялари ва кредитларни жалб қилиш ва ўзлаштириш жараёни ҳудудлар бўйича нотекисдир; иккинчидан, банк сектори инвестиция жараёнидан бутунлай ташқарида бўлиб ҳудудлардаги корхоналарнинг инвестиция фаоллигига сезиларли таъсир кўрсатмайди. Бу борада таъкидлаш лозимки, ҳудудлар миқёсида асосий капиталга киритилган инвестицияларда ҳудудлар улушининг ўзгариши бир-биридан кескин фарқланади (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга киритилган инвестицияларда ҳудудлар улушининг ўзгариши[144],
(жамига нисбатан % ҳисобида)

Ҳудудлар	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018
Ўзбекистон Республикаси	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**
Қорақалпоғистон Республикаси	6,0	8,23	11,12	14,22	7,47	3,68	5,6

[142]Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги маълумотлари https://mift.uz.

[143]Собиров А. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига инвестициялар жалб этишни давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди диссертацияси. - Т.: ТДИУ 2009. - 109 б.

[144]Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Андижон	2,50	4,49	4,04	3,99	3,99	3,68	3,8
Бухоро	7,20	10,01	9,67	9,28	11,57	18,13	7,3
Жиззах	2,32	3,55	2,95	2,64	2,51	2,37	3,0
Қашқадарё	11,10	12,19	12,72	13,42	14,16	16,77	14,3
Навоий	4,35	5,65	4,69	4,04	5,72	4,59	9,4
Наманган	3,10	3,69	4,59	4,72	5,16	5,03	6,6
Самарқанд	4,58	6,67	6,38	6,85	6,67	5,45	5,4
Сурхондарё	3,55	4,35	3,80	3,92	4,03	4,86	5,7
Сирдарё	1,58	2,80	2,63	2,40	2,49	2,22	2,0
Тошкент	9,52	10,40	10,62	9,73	7,96	7,08	8,7
Фарғона	6,21	6,62	5,67	5,12	4,83	4,07	4,6
Хоразм	3,10	4,00	4,16	3,22	2,90	3,09	2,8
Тошкент шаҳри	15,20	17,35	16,94	16,45	20,54	18,98	20,4

Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга киритилган инвестицияларда ҳудудлар улушининг ўзгариши таҳлил қилинганда энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳри ҳисобига тўғри келиб, бу кўрсаткич 2017 йилда 18,98 %, 2018 йилда 20,4 % ни ташкил қилган. Ҳудудлар кесимида қуйидаги вилоятларда республика бўйича паст кўрсаткичлар қайд қилинган: Сирдарё 2,22 %, Хоразм 2,8 %, Жиззах 3,0 %. Демак ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, инвестицион муҳитга таъсир этувчи омилларни яхшилаш талаб этилади.

Ҳар бир танланган ҳудудларнинг кўлами, ташкилий-қонуний тизимини ва бюджети, ҳудуд имкониятларини инобатга олган ҳолда ҳудудларга нисбатан қўллаш мумкин бўлган инвестиция сиёсати бўйича масалаларни комплекс ҳал қилиш, бор имкониятларни маълум бир йўналишга ажратиш мумкин:

- ҳудудни стратегик ривожлантиришни ифодаловчи, ҳудудий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш керак. Ушбу дастур маҳаллий ва хориж ишбилармонлар ўртасида алоқаларни жонлантириш, ҳудуд ўзига хослигини курсатишга ҳар қандай шароитда ҳам иқтисодий шерикчиликка тайёр эканлигини намойиш қила олишни ифодалаши керак;
- ҳудуд иқтисодиётини ўсиш кўрсаткичлари асосида ва уларни жадаллашган тарзда ривожланишини рағбатлантириш. Тўғридан-тўғри маҳаллий ва чет эл инвестицияларини унумли лойиҳаларга жалб қилиш стратегиясини такомиллаштириш;
- замонавий таълим-фан тараққиётини қўллаш асосида кадрлар салоҳиятлардан унумли фойдаланиш мақсадида тадбиркорлик муҳитига инновацион технологияларни тадбиқ этиш;
- ҳудудларда ички инвестиция имкониятларини ривожлантириш ва корхоналарга инвестицияларни жалб қилиш жараёнида жадал рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш;
- норматив-ҳуқуқий муҳит асослари ҳамда инвестицияларни қонуний ва институционал кафолатлаш механизмлари ишлаши, баъзан пайдо бўладиган келишмовчиликларини бартараф қилиш;
- ҳудудий ижтимоий - иқтисодиётнинг ўсиш нуқталари каби устувор йўналишларига эътиборни қаратиш;
- республика бўйича ҳудудий иқтисодий ва курорт-туристик салоҳиятларига инвестицион жозибардорлигини ва имиджини шакллантириш (жумладан, курорт-туристик соҳаси бўйича кластер лойиҳасини амалга ошириш истиқболларига қуйидаги босқичга ажратилади: 1) экотуризм; 2) агротуризм ва 3) этник туризмни ташкил қилиш механизмларини янада такомиллаштириш;
- ҳудудларнинг инвестицияларни бошқариш тизими ва ўзига хос қалтисликларини

камайтириш;

- ҳудудларнин иқтисодий ва инвестиция салоҳиятларини оширишга ёрдам берувчи ишлаб чиқариш инфраструктураси объектларини янгиланиб боришига давлатнинг рағбатлантирувчи сиёсатини қўллаб-қувватлаш;

- ҳудуд иқтисодиёти самарадорлигини ошириш: ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусиятлари асосида ривожланишидаги тафовутларни йўқотиш.

Маълумки, ҳудудий инвестиция ислоҳотлари иқтисодий, ижтимоий-ташкилий ва технологик ривожланиш даражаларини, иқтисодий-молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш, ҳудудий ишчи кучидан оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу борада ҳудудлараро дастурлар талаб қилинадики, бу йирик муаммоларни ҳал қиладиган инвестиция лойиҳаларининг ҳудудий интеграциясига кўмаклашади.

Ўзбекистон шароитида инвестиция сиёсатининг ҳудудий ўзгариши иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, ҳудудларнинг ички ва ташқи конъюнктуралар ўзгаришига тез мослашиб бориши билан белгиланади. Ҳудудлар салоҳияти анча юқори бўлган сезиларли иқтисодий самара бериши мумкин. Шунинг учун, ҳудудларнинг Инвестиция Дастурларининг бажарилиши бўйича чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратиш лозим (1-расм).

Шу мақсадда ҳудудларга инвестициялар жалб этишнинг самарадорлигини баҳолашни умумий ҳолда тавсифладик. Мазкур тавсифланиш иқтисодиётда инвестиция муҳитининг жозибадорлигини бевосита таъсир кўрсатувчи шарт-шароитларнинг ўзига хос хусусиятларини ифодалайди.

Ҳудудларнинг инвестициявий жозибадорлигини баҳолашнинг асосий элементларига эса: иқтисодий ривожланиш, инвестиция инфратузилмаси, бозор муносабатлари ва тижорат инфратузилмаси даражаси, ҳудудда инвестицион фаолиятни юритиш ҳавфсизлиги ҳамда ҳудуд демографик тавсифи киритилган.



1-расм.Ҳудудларга инвестициялар жалб этишнинг самарадорлигини баҳолашнинг тавсифланиши[145]

Инвестициявий салоҳият меҳнат бозорини модернизация қилишга ҳам боғлиқ, жумладан, ходимнинг инновацион тури – креативлиги, унинг ташаббускорлиги, фаоллиги маъсулияти, жамоа билан ишлаш кўникмаси, эгилувчанлиги, мобиллиги, руҳий

[145]Муаллиф томонидан маълумотлар асосида тузилган.

барқарорлиги. Россиялик иқтисодчи С.М. Вдовиннинг эътироф этишича[146] “Маҳаллий ва хорижий сармоядорлар учун минтақанинг инвестицион жозибадорлиги минтақани малакали ишчи ва мутахассислар билан таъминлашга боғлиқ. Шу муносабат билан кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим”. Ҳудудий хусусиятларга хос инвестициялар жозибадорликни оширишда илмий тадқиқот ишларининг техник таъминоти даражасини юксалтиради, илмий-педагок кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишнинг янги имкониятларини яратади.

Вилоят туманларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш, хусусан инфратузилма ва хусусан, инфратузилма, ахборот коммуникацион тизимларини яхшилаш ҳамда бошқа инвестицион муҳитга таъсир этувчи омилларини яхшилаш талаб этилади. Инвестициялар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар Жиззах вилоятида фаолият юритувчи тадбиркорлар, ишбилармонлар, инвесторлар иштирокида оғзаки маьлумотлар тўплаш асосида қуйидагича гуруҳланади (2-жадвал). Мазкур жадвалда ҳудудларда инвестициялар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатувчи иқтисодий, ташкилий, инновацион, ҳуқуқий омиллар шаклланишига кўра гуруҳланди.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Ш.И.Мустафакуловнинг фикрича[147] “Юқоридаги муаммоларнинг асосий ечими сифатида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ: ҳудудларнинг табиий-географик жойлашуви, инвестицион жозибадорликни акс этувчи кўрсаткичларни баҳолаш инвестиция маблағлари йўналтирилган объектдан келадиган даромад (иқтисодий қайтим) ҳамда инвестиция рискини аниқлаш орқали амалга оширилиши лозим, мамлакатнинг сиёсий ҳолати, мавжуд бўлган табиий ресурслар заҳираси, инвесторлар учун яратилган имтиёзлар, инфратузилма ҳолати, ҳудудларнинг инвестицион рейтинги хорижий инвестициялар оқими ҳамда ички инвестицияларнинг фаоллашувига қаратилган стратегияларни белгилашда маркетинг асосномалари тўғри белгиланиши лозим”.

2-жадвал

Ҳудудларда инвестициялар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар[148]

Шаклланишига кўра омиллар			
Иқтисодий	**Ташкилий**	**Инновацион**	**Ҳуқуқий**
Хориждан келтириладин асбоб-ускуналар, ажратиладиган кредитларни ўз вақтида конвертация қилинмаслиги	Маъмурий-бошқарув органларининг ижро интизоми борасидаги маъсулиятсизлиги	Импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг йўлга қўйилмаганлиги	Замонавий техник-технологиялар жорий қилиш, экспорт операциясини соддалаштиришни ҳуқуқий жиҳатлари етарли даражада такомиллашмаганлиги

[146]Вдовин. С.М. Инвестиционная привлекательность как фактор устойчивого развития региона. Экономический анализ: теория и практика. Москва. 41 (392). 2014.-24 с.

[147]Мустафакулов Ш.И.Ўзбекистон ҳудудларида инвестицион муҳит жозибадорлигини ошириш йўналишлари. Миллий товарлар рақобатбардошлигини оширишда замонавий маркетинг концепцияларидан фойдаланиш. Республика илмий-амалий анжумани илмий мақола ва тезислари тўплами (2018 йил, 27 ноябрь). –Т.: ТДИУ. Фан ва технологиялар, 2018 й.-32 б.

[148]Муаллиф томонидан гуруҳланган.

Банк-молия, кредит ташкилотлари, божхона хизматидаги муаммолар	Инфратузилма ва ахборот коммуникацион тизимларидаги муаммолар	Ишлаб чиқаришни модернизация қилишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб боришнинг сустлиги	Ҳудудий солиқ ва божхона қонунчилигининг назорати тўлиқ олиб борилмаслиги
Инфратузилма, АКТ ва инвестицион муҳитга таъсир кўрсатувчи воситаларнинг ривожлани сустлиги	Маҳаллий ишчи кучи малакаси, рақобатбаршлиги ва касбий маҳоратининг пастлиги	Эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ривожланишида етарлича имкониятлар яратилмаганлиги	Қонунчилик ҳужжатларининг тадбиркорлар учун рағбатлантирувчи характерда эканлигининг тарғиб қилинмаслиги ва бошқалар
Салоҳиятли банк филиаллари,мини-банкларни ташкил этиш, уларнинг капиталлашувини кучайтиришнинг етарли даражада ривожланмаганлиги муаммоси ва бошқалар.	Хорижий давлатдан келтирилаётган асосий воситалар, эҳтиёт қисмларнинг божхона сертификациядан ўтказиш учун кўп вақт ва харажат талаб қилиниши.	Юқори технологик ва энергия тежамкор тармоқларни ривожлантириш контекстида инновацион йўналишларнинг ривожланмаганлиги ва бошқа омиллар.	Танланган соҳа ва тармоқларни инвестицион юридик шароитлари, ишлаб чиқаришнинг алоҳида омилларидан фойдаланиш тартиби

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига асосланиб ижтимоий-иқтисодий ривожланиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, ҳудудларга нисбатан қўллаш мумкин бўлган инвестиция сиёсати бўйича масалаларни ҳал қилишда қўйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:

- ҳудудни стратегик тараққиётига таъсир кўрсатувчи ҳудудий инфратузилма ва инвестицион инфратузилма дастурларининг ўз вақтида бажарилиши устидан қатъий назорат олиб бориш;

- ҳудудий иқтисодиёт тараққиётини рағбатлантириш мақсадида ривожланиш даражаси нисбатан орқада қолаётган вилоятлар учун узоқ муддатга мўлжалланган кредитлар ажратиш тизимини жорий қилиш орқали инвестициялар ҳажмини ошириш ҳамда тўғридан-тўғри маҳаллий, чет эл инвестицияларини самарали лойиҳаларга жалб қилиш;

- инвестицион муҳитни ва жозибадорликни ошириш мақсадида тадбиркорлик муҳитига инновация технологияларини тадбиқ этиш, ҳудудий корхоналарга инвестицияларни жалб қилиш жараёнида ташқи ва ички имкониятлардан кенг фойдаланиш.

Фойдаланилан адабиётлар

1. Kamilov, D. Z. (2022). SPECIFIC USE OF PEDAGOGICAL TECHNIQUES WITHIN EDUCATION SYSTEM. *Academic research in educational sciences, 3*(TSTU Conference 1), 168-171.
2. Saida, A., & Dilshod, K. (2019). Analysis of foreign investment in the economic growth of the republic of uzbekistan. *Test Engineering and Management*, *81*(11-12), 1561-1566.
3. Джамалов, У. И. (2022). АНАЛИЗ ТЕКУЩЕГО СОСТОЯНИЯ УПРАВЛЕНИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬЮ В УЗБЕКИСТАНЕ ПОД ВЛИЯНИЕМ МОТИВАЦИОННЫХ ФАКТОРОВ. In SCIENCE AND TECHNOLOGY RESEARCH-2022 (pp. 90-95).